

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 03/30.12.2019.К.01.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

ГАЗИЕВА АЗИЗА СУННАТОВНА

**ҚАТОР 3d –МЕТАЛЛАРИНИНГ ПОЛИФУНКЦИОНАЛ КАРБОН
КИСЛОТАЛАРИ БИЛАН АРАЛАШ ЛИГАНДЛИ КОМПЛЕКСЛАРИ**

02.00.01 – Ноорганик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2021

**Кимё фанлари бўйича фалсафа (PhD) доктори диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
химическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on chemical
sciences**

Газиева Азиза Суннатовна

Қатор 3d-металларининг полифункционал карбон кислоталари билан
аралаш лигандли комплекслари..... **5**

Газиева Азиза Суннатовна

Смешаннолигандные комплексы ряда 3d-металлов с
полифункциональными карбоновыми кислотами **21**

Gazieva Aziza Sunnatovna

Compounds of 3d-metalls with polifunksion karbon acids..... **39**

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works **43**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 03/30.12.2019.К.01.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

ГАЗИЕВА АЗИЗА СУННАТОВНА

**ҚАТОР 3d –МЕТАЛЛАРИНИНГ ПОЛИФУНКЦИОНАЛ КАРБОН
КИСЛОТАЛАРИ БИЛАН АРАЛАШ ЛИГАНДЛИ КОМПЛЕКСЛАРИ**

02.00.01 – Ноорганик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2021

Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/K297 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент фармацевтика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.ik-kimyو.nuuz.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Фатхуллаева Муяссар

кимё фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Умаров Бақо Бафоевич

кимё фанлари доктори, профессор

Ибодуллаева Мавжуда Ибодуллоевна

кимё фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Умумий ва ноорганик кимё институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.K.01.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «24» 12 соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент ш, Университет кўчаси, 4. Тел.: (+99871) 246-07-88; (+99871) 227-12-24; факс: (+99871) 246-53-21; e-mail: chem0102@mail.ru .

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (151 рақам билан рўйхатга олинган). Тел.: (+99871) 246-07-88; (+99871) 227-12-24; факс: (+99871) 246-53-21;

Диссертациянинг автореферати 2021 йил «16» 12 да тарқатилди.

(2021 йил «16» 12 даги 23 рақамли реестр баённомаси).



З.А.Сманова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.ф.д., профессор

Д.А. Гафурова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.ф.д., профессор

Ш.А. Кадирова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к.ф.д., профессор

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда полифункционал лигандларнинг 3d-металлар билан комплекс бирикмаларини синтез қилиш ва уларнинг хоссаларини аниқлаш назарий ва амалий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга. Бундай металлокомплекс бирикмалардан тиббиётда биологик фаол моддалар, турли дори воситалари, антиоксидантлар, қишлоқ хўжалигида стимуляторлар сифатида фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда 3d-металларининг биологик фаол лигандлари асосида олинган дори воситалари бўйича кўплаб изланишлар олиб борилмоқда. Жумладан, кўплаб касалликларнинг олдини олиш ва уларни даволашда ишлатиладиган 3d-металлар асосида олинган дори воситаларини синтез қилиш шароитларини ишлаб чиқиш, уларнинг таркиби, тузилиши, физик-кимёвий ва биологик хоссаларини аниқлаш алоҳида аҳамият касб этади.

Республикамизда аҳолини доривор препаратлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиб, маҳаллий фармацевтика саноатини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича муайян натижаларга эришилмоқда. Шу билан бирга 3d-металларининг биофаол лигандлар билан координацион бирикмалари асосида олинган арзон дори воситалари билан аҳолини ва соғлиқни сақлаш муассасаларини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «фармацевтика саноатини ривожлантириш, аҳоли ва даволаш муассасаларини сифатли, хавфсиз ва арзон дори-дармон воситалари билан таъминлаш»¹ юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада янги, сифатли ва арзон дори воситаларини яратиш, тиббиётда фойдаланиш учун тавсия этиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2017 йил 7 ноябрдаги ПФ-5229-сон «Фармацевтика тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 10 апрелдаги ПФ-5707-сон «2019-2021 йилларда республиканинг фармацевтика тармоғини янада жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2019 йил 6 майдаги ПҚ-4310-сон «Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, шунингдек, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

фармакология» ҳамда VII. «Кимё, кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Дунёда биологик фаолликка эга бўлган полифункционал карбон кислоталари билан қатор 3d-металларининг координацион бирикмалари синтези, таркиби ва тузилиши бўйича қуйидаги олимлар томонидан тадқиқотлар олиб борилган: Спицин К.А., Цивадзе Г.В., Цинцадзе Г.В., Скопенко В.В., Войтюк А.А., Возняковская Ю.М., Кукушкин Ю.Н., Гарновский А.Д., Т. Uno, L. Steward, Hamilton W.C., Stone M.E., Горенбейн Е.В., Gentile P.S., Наумов Д.Й., Быков Э.Е., М. Nardelli, Порай-Кошиц М.А., Стручков Ю.Т., Cozlevcar В. ва бошқалар.

Республикамизда тиббиёт, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларда ишлатилаётган қатор биологик фаол комплекс бирикмаларни синтез қилишга Азизов М.А., Харитонов Ю.А., Парпиев Н.А., Шарипов Х.Т., Шабилалов А.А., Юнусходжаев А.Н., Хакимов Х.Х., Ходжаев О.Ф., Тўраев Х.Х., Набиев М.Н., Ибрагимов Б.Т., Собиров В.Х., Дусматов А.Ф., Исаков Х., Умаров Б.Б., Кадирова Ш.А., Даминова Ш.Ш., Кадирова З.Ч. каби олимлар ва уларнинг шогирдлари катта ҳисса қўшишган.

Илмий манбаларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, қатор 3d-металларининг В гуруҳ витаминлари ва унинг ҳосилалари билан комплекслари ҳақида етарли маълумотлар мавжуд. Лекин янтар, глутар, пантотен, гомопантотен, 3- ва 4-пиридинмонокарбон, салицил ҳамда хинальдин кислоталари билан 3d-металларининг аралаш лигандли комплекс бирикмалари ўрганилмаган. Шу сабабли ушбу лигандлар асосида комплекс бирикмаларни синтез қилиш, таркиби, тузилиши, физик-кимёвий ва биологик фаоллигини аниқлаш алоҳида илмий қизиқиш касб этади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент фармацевтика институти илмий тадқиқот ишлари режасининг № ИЗ-2014-0915121104 «Гриатрик амалиётда гиполлипидемик восита сифатида ишлатиладиган Пирациннинг дозалаш шаклини ишлаб чиқиш стандартлаш» (2014-2016 й) мавзусидаги фундаментал лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади қатор 3d-металларининг полифункционал карбон кислоталари билан аралашлигандли комплексларини синтез қилиш ва биологик фаоллигини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қатор 3d-металларининг витамин В₅ (пантотен кислотаси), витамин В₃ (3-пиридинмонокарбон кислотаси), уларнинг изомерлари ва ҳосилалари, янтар, глутар, салицил ҳамда хинальдин кислоталари билан аралаш лигандли комплекс бирикмаларини синтез қилиш;

олинган комплекс бирикмаларнинг таркиби, индивидуаллиги ва физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш;

дикарбон кислоталар, пантотен, гомопантотен, 3- ва 4-пиридинмонокарбон, салицил ҳамда хинальдин кислоталарнинг координацион рақобатдошлик қобилиятини аниқлаш;

электрон ҳамда ИҚ-спектроскопия, шунингдек, термик таҳлил усуллари ёрдамида полифункционал лигандларнинг координацион хусусиятини (қобилиятини) аниқлаш;

катор 3d-металларининг полифункционал карбон кислоталари билан аралаш лигандли комплексларининг электрон тузилиш геометрияси, энергетик параметрлари ва реакция қобилиятини квант-кимёвий оптималлаштириш усули ёрдамида ҳисоблаш ва таҳлил қилиш;

синтез қилинган комплекслардан энг самаралиларини тиббиётда фойдаланиш учун тавсия қилиш.

Тадқиқот объектлари сифатида Co, Ni, Cu, Zn, VO (II) ларнинг тузлари, B₃, B₅ витаминлари, уларнинг ҳосилалари ва изомерлари (гомопантотен, 4-пиридинмонокарбон кислота) ҳамда янтар, глутар, салицил, хинальдин кислоталари олинди.

Тадқиқотнинг предмети 3d-металларининг ўрганилган полифункционал карбон кислоталари билан аввал синтез қилинмаган, янги 43 та аралаш лигандли комплекс бирикмалари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари элемент, рентгенофазавий, дифференциал-термик, комплексометрик ва гравиметрик таҳлил, сканерловчи электрон микроскопия, ИҚ-спектроскопия, диффузион қайтарилиш электрон спектрлари ҳамда квант-кимёвий ҳисоблаш усулларида иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бора Co, Ni, Cu, Zn ва VO (II) ларнинг 43 та янги B₃, B₅ витаминлари, уларнинг ҳосилалари ва изомерлари ҳамда янтар, глутар, салицил, хинальдин кислоталари билан аралаш лигандли координацион бирикмалари синтез қилинган;

ИҚ, квант-кимёвий ҳисоблашлар, электрон спектроскопияси ва термик таҳлил усуллари асосида 3- ва 4-пиридинмонокарбон, пантотен, гомопантотен кислоталарни аввал маълум бўлмаган комплекс ҳосил қилувчи металлга цвиттер-ион ҳолда координацияланиши аниқланган;

илк бора комплекс бирикмаларда изомер пиридинмонокарбон кислоталар икки усулда: β-изомер монодентат цвиттер-ион ҳолда карбоксилато гуруҳ кислороди орқали, γ-изомер эса молекуляр ҳолда пиридиндаги азот атоми орқали металлга координацияланиши аниқланган;

илк бора Zn (II) нинг янтар ва гомопантотен кислоталари билан комплекс бирикмаси кам захарли бирикмалар синфига кириши ҳамда уни тиббиёт амалиётида шамоллашга ва гипоксияга қарши дори воситаси сифатида қўллаш мумкинлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

катор 3d-металларининг полифункционал кислоталар билан аралаш лигандли комплексларини синтез қилишнинг қулай шароитлари аниқланган;

ишлаб чиқилган синтез усуллари ва тадқиқот натижаларидан металлларнинг янги, яқин табиатли аралашлигандли координацион бирикмаларини олишда фойдаланиш мумкинлиги аниқланган;

ИК-спектроскопия, диффузион қайтарилиш электрон спектрлари, квант-кимёвий ҳисоблаш усуллари, шунингдек, дериватографик таҳлил натижалари асосида CH_2 гуруҳ янтар кислотанинг тетрадентат координациясини ўзгартирмаслиги, унинг координацион хусусиятларига таъсир кўрсатмаслиги исботланган;

кам заҳарли бирикмалар синфига кирувчи Zn (II) нинг янтар ва гомопантотен кислоталари билан комплексининг шамоллашга қарши хусусияти «ИНДОМЕТАЦИН СОФАРМА» (Sopharma AD, Болгария) дори воситасидан қолишмаслиги исботланган;

«ЛИРА» («Фармак», Украина) дори воситасига рақобатдош, юқори самарали Zn (II) нинг янтар ва гомопантотен кислоталари билан комплекси яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ИК-спектроскопия, рентгенфазовий, элемент, дифференциал-термик, комплексонометрик, гравиметрик таҳлиллар, шунингдек, сканерловчи электрон микроскопия, диффузион қайтарилиш электрон спектрлари, квант-кимёвий ҳисоблаш каби замонавий тадқиқот усуллари билан фойдаланиб олингани билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти аралашлигандли комплекс бирикмалардаги лигандлар ўртасидаги рақобат, уларнинг таутомеризацияси, тузилиши ва комплекс ҳосил қилувчи металлнинг табиатига боғлиқлиги бўйича 3d-металларининг полифункционал моно- ва дикарбон кислоталари билан координацион кимёси ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шамоллаш ва гипоксияга қарши, кам заҳарли «Цинкант» комплекс бирикмасининг аниқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қатор 3d-металларининг полифункционал карбон кислоталари билан аралаш лигандли комплексларининг синтези, тузилиши бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Цинкант» комплекс бирикмасининг ўткир заҳарлилик хусусияти Дори воситаларини стандартлаш Илмий Марказининг фармако-токсикология бўлимида ўрганилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 08 июндаги №08-04-5544-сон маълумотномаси). Натижада «Цинкант» бирикмасининг кам заҳарли бирикмалар синфига кириши маълум бўлган ва уни дори воситаси сифатида қўллаш имконини берган;

«Цинкант» бирикмасининг гипоксияга қарши хусусияти Дори воситаларини стандартлаш Илмий Марказининг фармако-токсикология бўлимида ўрганилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 08 июндаги №08-04-5544-сон маълумотномаси). Натижада «Цинкант» комплексини гипоксияга қарши самарали дори воситаси сифатида қўллаш имконини берган;

«Цинконт» комплексининг шамоллашга қарши хусусияти Дори воситаларини стандартлаш Илмий Марказининг фармако-токсикология бўлимида ўрганилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 08 июндаги №08-04-5544-сон маълумотномаси). Натижада «Цинконт» бирикмасини шамоллашга қарши самарали дори воситаси сифатида қўллаш имконини берган;

синтез қилинган комплекс бирикмалардан А-7-46 рақамли «Каолин, фосфогипс, кўмир асосидаги композитли наносорбентларни яратиш орқали чиқиндиларни қайта ишлаш» мавзусидаги амалий лойиҳада наносорбентларни синтез қилиш жараёнида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 28 декабрдаги 89-03-5566-сон маълумотномаси). Натижада комплекс хоссали наносорбентлар олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 21 та, шу жумладан, 9 та халқаро ва 12 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 42 та илмий иш чоп этилган, шулардан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестацияси комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 6 та илмий мақола, жумладан, 3 та республика ва 3 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 118 саҳифани ташкил этади².

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурийлиги асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари белгиланган, унинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, уларнинг ишончлилиги асосланган, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, амалиётга жорий қилиш истиқболи борасида хулосалар чиқарилган ҳамда чоп этирилган ишлар ва диссертациянинг таркиби тўғрисида маълумотлар келтирилган.



Диссертациянинг **«3d-металларининг полифункционал карбон кислоталари билан комплекс бирикмалари (адабиётлар шарҳи)»** деб номланган биринчи бобида 3d-металларининг пантотен (ПТТ), гомопантотен (ГПТТ), глутар (ГЛК), янтар (ЯНК), 3-пиридинмонокарбон (3-ПМК), 4-пиридинмонокарбон (4-ПМК), хиналин-2-карбон (ХК), салицил (СК) кислоталари ва ацетилацетонат билан комплекс бирикмаларининг синтези,

² Муаллиф диссертация ишини бажаришда берган илмий маслаҳатлари учун к.ф.д., проф. А.А. Шабилаловга миннатдорчилик билдиради.

уларнинг физик-кимёвий хоссалари ва тузилишига оид маълумотлар келтирилган. Лекин бу лигандларнинг дикарбон кислоталари билан аралашлигандли комплекслари, координацион сферасидаги ўриндошлиги амалда ўрганилмаган. Ушбу маълумотларга танқидий таҳлил асосида диссертациянинг мақсад ва вазифалари белгиланди.

Диссертациянинг «**3d-металларининг полифункционал карбон кислоталари билан комплекс бирикмалари синтези**» деб номланган иккинчи бобида қўлланилган реактивлар, асбоблар, таҳлил ва тадқиқот усуллари, шунингдек, координацион бирикмаларнинг синтез усуллари ҳамда олинган бирикмаларнинг физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш натижалари келтирилган.

Сувли шароитда 3d-металларининг ПТТ, ГПТТ, 3-ПМК, 4-ПМК, ЯНК ва ГЛК кислоталари билан депротонлашган аралашлигандли координацион бирикмалари қуйидаги таркибда синтез қилинди:




Этанолли шароитда ванадил (II) ва мис (II) ацетилацетоналарининг ХК ва СК билан аралашлигандли координацион бирикмалари қуйидаги таркибда синтез қилинди:




Олинган комплекс бирикмалар элемент ҳамда рентгенфазовий таҳлил усуллари билан идентификацияланган ва физик-кимёвий маълумотлар билан таснифланган.

Шунингдек, комплекс бирикмалар таркибидаги углерод, азот ва металлнинг микдори сканерлаш электрон микроскопида (СЭМ) қайд этилган энергия-дисперсион спектрлар (ЭДС) ёрдамида аниқланди. ЭДС да металл ионларига хос бўлган кўп сонли чўққилар ҳосил бўлган, бу лигандлар билан металлнинг комплекслари ҳосил бўлганини ва микро тузилмадаги ўзгаришларни кўрсатади (1-2 расм). Олинган ЭДС натижалари комплексларнинг элемент таҳлили натижаларига мос келади.



1-расм. Ni(ГЛК-2Н)(ПТТ)·5Н₂О комплексининг микроструктураси ва энергия-дисперсион спектрлари.

³«-Н» белгиси билан депротонлашган лиганд ифодаланган.



2-расм. Co(ГЛК-2Н)(ГПТТ)·3Н₂О комплексининг микроструктураси ва энергия-дисперсион спектрлари.

Бирикмаларнинг термик хусусиятларини ўрганиш натижасида комплекслардаги сув молекуласи босқичли ва битта эндоэффектда ажралиши исботланди. Бир асосли комплексларда парчаланиш хароратининг бошланиши металлларнинг Ирвинг-Уильямс қаторига мос эканлигини кўрсатди.

Диссертациянинг «3d-металларининг полифункционал карбон кислоталари билан комплексларини тузилишининг муҳокамаси» деб номланган учинчи бобда синтез қилинган аралашлигандли координацион бирикмаларнинг тузилиши муҳокама қилинган. Лигандларнинг координацион кимёси бўйича хулоса қилинган.

3d-металларининг глутар ва 3-пиридинмонокарбон кислоталари билан аралашлигандли комплексларининг спектрларида худди Na(3-ПМК-Н) нинг спектридаги каби ассоцирланган кислоталарга хос бўлган ютилиш бандлари йўқолиб, 1635-1610 ҳамда 1401-1381 см⁻¹ соҳаларда мос равишда ν_{as}(COO) ва ν_s(COO) ларга хос бўлган интенсив ютилиш бандлари пайдо бўлган. Бу комплекслар лигандларидаги карбоксил гуруҳидаги водороднинг металлга кўчганлигидан далолат беради. Карбоксил гуруҳ комплексларда ҳам монодентат, ҳам бидентат функцияларни бажара олади. Δν(COO) = ν_{as}(COO)-ν_s(COO) ифода комплексларда 254-219 см⁻¹ интервалда жойлашган. Улар кобальт, никел, мис никотинатларининг 230-215 см⁻¹ соҳада жойлашган Δν(COO) ифодасига ўхшашдир (1-жадвал). Ушбу бирикмаларда карбоксил гуруҳ бидентатлигини ҳисобга олган ҳолда, ўрганилаётган комплексларда ҳам худди шундай координация мавжуд дея оламиз.

Комплексларда 3-пиридинмонокарбон кислотадаги карбоксил гуруҳнинг депротонланиши натижасида пиридин халқанинг азот атомига водород кўчиб, протонлашган ва у координацияда иштирок этмайди.

Бунга исбот сифатида комплексларда пиридин ионига хос δ(N⁺H) 1560 см⁻¹ соҳада ютилиш банди ҳосил бўлганлигини кўрсатиш мумкин, шунингдек, Na(3-ПМК-Н) га нисбатан δ(халқа) нинг деформацион тебраниш ютилиш банди юқори частотали 31-25 см⁻¹ соҳага силжиган.

Электрон диффуз қайтарилиш спектрларининг таҳлил натижаларига кўра, Co(ГЛК-2Н)(3-ПМК)·2Н₂О, Ni(ГЛК-2Н)(3-ПМК)·3,5Н₂О, Cu(ГЛК-2Н)(3-ПМК)·3Н₂О бирикмалари октаэдрик тузилишга эга. Co(ГЛК-2Н)(3-ПМК)·2Н₂О бирикманинг ДҚЭС спектрларида 6100, 15000 ва 19000 см⁻¹ ютилиш бандларининг пайдо бўлгани асосий поғона ⁴T_{1g}(F) дан ⁴T_{2g}(F) га, ⁴A_{2g}(F) дан ⁴T_{1g}(P) га ўтганидан далолат беради.


ГЛК, ЯНК, 3-ПМК, 4-ПМК ва уларнинг 3d-металлари билан аралашлигандли комплекслари ИК спектрларининг баъзи ютилиш бандлари частоталари (cm^{-1})

Бирикма	$\nu(\text{N-H})^+$	$\nu(\text{C=O}), \nu_{\text{as}}(\text{COO})$ $\nu_{\text{s}}(\text{COO})$	$\nu(\text{халқа})$	$\delta(\text{N-H})^+$	$\delta(\text{халқа})$	$\nu(\text{M-O})$
ГЛК	-	1696	-	-	-	-
ЯНК	-	1684	-	-	-	-
3-ПМК	-	1710	1596 1546 π	-	1037	-
4-ПМК	-	1712	1616 1565	-	1028	-
Na(3-ПМК-Н)	-	1633, 1386	1593 1544	-	1025	-
Na(4-ПМК-Н)	-	1633, 1386	1600 1556	-	1029	-
Co(ГЛК-2Н)(3-ПМК)·2H ₂ O	2600-3400	1610, 1384	1585	1564	1051	462
Ni(ГЛК-2Н)(3-ПМК)·3,5H ₂ O	2600-3400	1614, 1393	1588	1570	1055	450
Cu(ГЛК-2Н)(3-ПМК)·3H ₂ O	2600-3400	1630, 1386	1588	1570	1050	446
Zn(ГЛК-2Н)(3-ПМК)	2600-3400	1620, 1401	1563	1537	1053	450
VO(ГЛК-2Н)(3-ПМК)·H ₂ O	2600-3400	1635, 1381	1597	1570	1056	470
Co(ЯНК-2Н)(3-ПМК)·4H ₂ O	2600-3400	1608, 1384	1585	1566	1053	466
Ni(ЯНК-2Н)(3-ПМК)·3,5H ₂ O	2600-3400	1610, 1386	1585	1568	1056	450
Cu(ЯНК-2Н)(3-ПМК)	2600-3400	1625 1361	1590 π	1560	1049	453
Zn(ЯНК-2Н)(3-ПМК)·H ₂ O	2600-3400	1616 1396	1585	1564	1053	442
VO(ЯНК-2Н)(3-ПМК)	2600-3400	1631 1379	1590	1570	1056	458
Co(ГЛК-2Н)(4-ПМК)·H ₂ O	2600-3400	1585 1384	перек 1480	1543	1059	460
Ni(ГЛК-2Н)(4-ПМК)	2600-3400	1592 1386	перек 1466	1551	1058	458
Cu(ГЛК-2Н)(4-ПМК)	2600-3400	1587 1385	перек 1466	1552	1062	456
Zn(ГЛК-2Н)(4-ПМК)·1,5H ₂ O	2600-3400	1633 1385	перек 1470	1537	1057	454
VO(ГЛК-2Н)(4-ПМК)·H ₂ O	-	1709, 1614, 1410	1600 π 1556	-	1095	457 560
Co(ЯНК-2Н)(4-ПМК)·6H ₂ O	2600-3400	1587 1386	перек 1480	1544	1056	451
Ni(ЯНК-2Н)(4-ПМК)·4H ₂ O	2600-3400	1587 1384	перек 1480 π	1546	1058	450
Cu(ЯНК-2Н)(4-ПМК)	2600-3400	1614 1386	перек 1490	1543	1060	457
Zn(ЯНК-2Н)(4-ПМК)·2,5H ₂ O	2600-3400	1629 1361	перек 1480	1556	1055	424
VO(ЯНК-2Н)(4-ПМК)	-	1708, 1614, 1409	1600 π , 1570	-	1080	437, 560

Ni(ГЛК-2Н)(3-ПМК)·3,5H₂O комплексининг ДҚЭС спектрларида 10600, 16520, 26000 ва 11700 см⁻¹ соҳада ютилиш бандларининг ҳосил бўлгани ³A_{2g}(F)→³T_{2g}(F), ³A_{2g}(F)→³T_{1g}(F), ³A_{2g}(F)→³T_{1g}(P) ҳамда ³A_{2g}(F)→¹E_g(D) поғоналарда кўчиш бўлганини англатади. Cu(ГЛК-2Н)(3-ПМК)]·3H₂O нинг ДҚЭС спектрларида 14300 см⁻¹ соҳада ютилиш бандининг ҳосил бўлиши ²E_g→²T_{2g} ўтишдан далолат беради.

Co (II), Ni (II), Cu (II) ва Zn ларнинг аралашлигандли комплекслари таркиби ҳамда ИК спектрлари ўхшаш. Шунинг учун рухнинг комплекси ҳам октаэдрик тузилишга эга дейиш мумкин.

Юқоридагилар асосида кўрилатган комплексларнинг структурасини куйидагича полимер кўринишда ифодалаш мумкин:




Комплекс бирикмалардаги металнинг атрофи ν(M-O) спектрларида ютилиш бандлари мавжудлигига мос келади.

M(ГЛК-2Н)(4-ПМК)·nH₂O (M-Co(II), Ni(II), Cu(II), Zn(II)) тузилишли комплекслардаги ИК спектрлар M(ЯНК-2Н)L·nH₂O, (L-3-ПМК, 4-ПМК; M-Co(II), Ni(II), Cu(II), Zn(II)) тузилишли комплексларнинг ИК спектрлари билан ўхшашдир. Шундай қилиб, янтар кислота молекуласининг этилен занжирининг CH₂ га узайиши унинг координацион хусусиятларига таъсир қилмайди.

VO(ГЛК-2Н)(3-ПМК)·H₂O бирикмасининг ИК спектрида ванадий атомининг олти координацион тузилиши учун 968 см⁻¹ соҳадаги ютилиш банди ν(V=O) хос. Комплексининг ДҚЭС спектрида ⁴A_{2g}(F) →⁴T_{1g}(F) ва ⁴A_{2g}(F) →⁴T_{1g}(P) ўтишларга хос 6170 ва 17330 см⁻¹ соҳадаги ютилиш бандлари кузатилади.

Юқоридагилардан шуни хулоса қилиш мумкинки, ванадил (II) нинг бирикмаларида глутар ва янтар кислоталари комплекс ҳосил қилувчи металлга карбоксилато гуруҳнинг иккита кислороди орқали координацияланади.


Энг муносиб структуралардан бирини куйидагича ифодалаш мумкин:



Ванадийнинг тузилиши ИК спектрда 470 см^{-1} соҳада $\nu(\text{V-O})$ боғига хос ютилиш банди билан мос келади.

$\text{VO}(\text{ЯНК-2Н})(4\text{-ПМК})$ ва $\text{VO}(\text{ГЛК-2Н})(4\text{-ПМК})\cdot\text{H}_2\text{O}$ бирикмаларининг ИК спектрлари юқоридагилардан фарқ қилади. Уларда карбоксилато гуруҳ бандлари, шунингдек, 1708 , 1336 ва 1230 см^{-1} соҳада карбоксил гуруҳ бандлари намоён бўлади. Охириги бандлар 4-пиридинмонокарбон кислотанинг спектрлари билан деярли бир хил. Комплексларнинг спектрларида пиридиний ионига характерли бандлар мавжуд эмас. Натижада кислота молекуляр шаклда комплексларда жойлашган бўлиб, $\text{Na}(4\text{-ПМК-Н})$ да 1556 ҳамда 1029 см^{-1} соҳадаги юқори частотали $\nu(\text{халқа})$ ва $\delta(\text{халқа})$ бандлар комплексларда 14 ва 51 см^{-1} га силжиган. Бу лиганд гетероатом халқасидаги азот орқали координацияланишини кўрсатади.

Юқоридагилар асосида $\text{VO}(\text{ЯНК-2Н})(4\text{-ПМК})$ бирикмаси қуйидаги тузилишга эга бўлиши мумкин дея оламиз:



Бу структурани квант-кимёвий ҳисоблашлар ҳам тасдиқлайди. Лиганд молекулаларининг донор атомларида электрон зичликнинг тақсимланиши ва самарали зарядларнинг табиатини, шунингдек, танланган молекулалар учун энг муносиб ҳисоблаш усулини аниқлаш мақсадида квант-кимёвий ҳисоблашларнинг DFT / B3LYP усули танланди.

Қизил ва кўк рангдаги МЕР (молекуляр электростатик потенциал) схемалари мос равишда манфий ва мусбат электростатик потенциалларни ифодалайди. МЕР графигининг рангли схемасида қизил майдон жуфтлашган атомлар борлигини ёки манфий электростатик потенциалга эга атомларни кўрсатади; ранг интенсивлиги потенциал энергиянинг абсолют қийматига тўғри пропорционалдир. Мусбат электростатик потенциаллар кўк/сарик майдонда кўрсатилган ва Э-Н боғларидаги кутбли водородни тавсифлайди. Молекуланинг электростатик патенциллари нолга яқин бўлган майдон яшил ранг билан қопланган (C – C, C – N боғлар).


$\text{VO}(\text{ЯНК-2Н})(4\text{-ПМК})$ комплекс бирикма молекуласидаги зарядларнинг тақсимланиши, геометрик тузилиши ва МЕР ни келтирилган (3, 4-расм). Зарядларнинг қийматларини ҳамда ЮБМО (юқори бандланган молекуляр орбитал) нинг локализациясини таҳлил қилиш натижалари 4-ПМК молекуласининг метал иони билан координацияланиши мумкин бўлган марказлар халқанинг донор азот атомлари (N) (-0.287 , -0.276 хартри) ва карбоксил гуруҳи кислороди (-0.384 , $-0,463$ хартри) эканини кўрсатади.

Карбоксил гуруҳининг кислород атоми халқадаги азот атомига қараганда икки барабар катта зарядга эга. Карбоксил гуруҳининг кислород атомида эффектив манфий заряднинг юқори концентрациясига қарамай, комплекс ҳосил бўлишида иштирок этмайди. Чунки кислород атомидаги


жуфтлашган электронлар гетероцикл билан копланар ҳисобланади ва у мезомер эффект ҳисобига халқага йўналтирилган.

Электрофил ва нуклеофил жараёнларнинг реакцион марказларини башорат қилиш учун V3LYP / 6–311G (d, p) / Lanl2DZ оптималлаштирилган геометрияси бўйича электростатик сирт потенциаллари олинган. Сиртдаги электростатик потенциалнинг турли қийматлари ҳар хил ранглар билан ифодаланади ва потенциал қуйидаги тартибда ортади: қизил<тўқ сарик<сарик<яшил<кўк. МЭП нинг манфий қизил майдонлари нуклеофил реакцион қобилият билан, мусбат (кўк) майдонлари эса электрофил реакцион қобилият билан боғлиқ. 4-ПМК даги манфий (сарик) ҳудудлар халқанинг азот атомлари устида, мусбат (кўк) ҳудудлар водород атомлари атрофида жойлашган. Шундай қилиб, электрофил азот ҳолатида лигандга устунлик билан хужум қилади, деб тахмин қилиш мумкин. Ҳисобланган маълумотларга кўра (3-расм), МЭП харитаси манфий потенциаллар халқадаги азот атрофида эканини кўрсатади (4-расм).

Яшил рангли майдон молекуланинг электростатик потенциаллари нолга яқин бўлган қисмларини қамраб олади (C–C, C–N боғлар). Шундай қилиб, V3LYP/6–311G (d, p) усули бўйича квант-химёвий ҳисоблашларга асосланиб, комплекс ҳосил бўлиш реакциясида 4-ПМК комплекс ҳосил қилувчи ионга монодентат ҳолда азот атоми орқали координацияланади, деган хулоса чиқаришимиз мумкин.



3-расм. 6-311G (d,p) базиси билан DFT/ V3LYP усулда ҳисобланган VO(ЯНК-2Н)(4-ПМК) комплекс бирикмаси молекуласидаги зарядларнинг тақсимланиши ва геометрик тузилиши.



4-расм. VO(ЯНК-2Н)(4-ПМК) комплекс бирикмасидаги молекуляр электростатик потенциал (МЭП) майдонлари.


Лигандларнинг спектрларидан 3d-металларининг янтар ва пантотен кислоталари билан аралашлигандли комплекслари спектрларига ўтганда 1583-1541 ва 1409-1388 cm^{-1} соҳада мос равишда $\nu_{\text{as}}(\text{COO})$ ҳамда $\nu_{\text{s}}(\text{COO})$ ларга қарашли карбоксил гуруҳининг ютилиш бандларининг йўқолиши кузатилади (2-жадвал). Бу комплексдаги лиганднинг карбоксил гуруҳининг водородини металлга алмашганини кўрсатади.

ГЛК, ЯНК, ПТТ, ГПТТ ва уларнинг 3d-металлари билан аралашлигандли комплекслар ИК спектрларининг баъзи ютилиш бандлари частоталари (cm^{-1})

Бирикма	$\nu(\text{C}=\text{O})$ $\nu(\text{COO})$	$\nu(\text{N H}_2)$	“Амид-I” $\nu(\text{C}=\text{O})$	“Амид-II” $(\delta(\text{NH}) + \nu(\text{CN}))$	“Амид-III” $(\nu(\text{CN}) + \delta(\text{NH}))$	$\nu(\text{M}-\text{O})$
ГЛК	1696	-	-	-	-	-
ЯНК	1684	-	-	-	-	-
ПТТ	1720	-	1646	1545	1290	-
ГПТТ	1712	-	1633	1537	1255	-
$\text{Co}(\text{ЯНК-2Н})(\text{ПТТ}) \cdot 4\text{H}_2\text{O}$	1556, 1402	3124, 2966	1625	1556	1317	464
$\text{Ni}(\text{ЯНК-2Н})(\text{ПТТ}) \cdot 8\text{H}_2\text{O}$	1556, 1402	3255, 2962	1620	1556	1311	443
$\text{Cu}(\text{ЯНК-2Н})(\text{ПТТ})$	1583, 1409	3394, 3296	1620	1583	1319	430
$\text{Zn}(\text{ЯНК-2Н})(\text{ПТТ}) \cdot \text{H}_2\text{O}$	1541, 1388	3320, 3097	1550	Перек.	1313	410
$\text{VO}(\text{ЯНК-2Н})(\text{ПТТ})$	1558, 1400	3200, 3100	1620	1550	1360	497
$\text{Co}(\text{ЯНК-2Н})(\text{ГПТТ}) \cdot 8\text{H}_2\text{O}$	1556, 1404	3253, 3110	1625	1556	1307	460
$\text{Ni}(\text{ЯНК-2Н})(\text{ГПТТ}) \cdot 4\text{H}_2\text{O}$	1556, 1409	3261, 3100	1625	1556	1309	457
$\text{Cu}(\text{ЯНК-2Н})(\text{ГПТТ})$	1608, 1433	3367, 3257	1608	Перек.	1301	441
$\text{Zn}(\text{ЯНК-2Н})(\text{ГПТТ}) \cdot 2,5\text{H}_2\text{O}$	1531, 1392	3300, 3111	1570	1540	1313	436
$\text{VO}(\text{ЯНК-2Н})(\text{ГПТТ})$	1541, 1400	3200, 3100	1625	1541	1350	495
$\text{Co}(\text{ГЛК-2Н})(\text{ПТТ}) \cdot 5\text{H}_2\text{O}$	1552, 1398	3250, 2950	1630	1552	1319	467
$\text{Ni}(\text{ГЛК-2Н})(\text{ПТТ}) \cdot 5\text{H}_2\text{O}$	1558, 1394	3250, 2980	1625	1558	1320	460
$\text{Cu}(\text{ГЛК-2Н})(\text{ПТТ}) \cdot 2\text{H}_2\text{O}$	1581, 1406	3250, 2940	1600	1581	1304	460
$\text{Zn}(\text{ГЛК-2Н})(\text{ПТТ}) \cdot 2\text{H}_2\text{O}$	1530, 1402	3200, 2956	1584	1530	1302	447
$\text{VO}(\text{ГЛК-2Н})(\text{ПТТ})$	1556, 1398	3200, 2964	1620	1556	1328	465
$\text{Co}(\text{ГЛК-2Н})(\text{ГПТТ}) \cdot 3\text{H}_2\text{O}$	1556, 1402	3250, 3100	1625	1556	1323	450
$\text{Zn}(\text{ГЛК-2Н})(\text{ГПТТ})$	1531, 1402	3200, 3100	1560	Перек	1303	464
$\text{VO}(\text{ГЛК-2Н})(\text{ГПТТ})$	1556, 1398	3200, 3100	1630	1556	1313	470

«Амид-I» паст частотали 96-26 см⁻¹ га, «амид-II ва III» эса мос равишда юқори частотали 38-10 см⁻¹ ҳамда 70-23 см⁻¹ га силжиган. Бизнинг фикримизча, бу карбоксил гуруҳидаги водороднинг иккиламчи азот атомига кўчиши билан боғлиқ. Ушбу фикр комплекслар спектрларида $\nu(\text{N}^+\text{H}_2)$ бандларининг пайдо бўлиши билан тасдиқланади (2-жадвал), иккиламчи амиддаги азот атомининг металл-ион билан координацияланишини истисно қилади. Бинобарин, кўриб чиқиладиган аралаш лигандли комплексларда пантотен кислота карбоксилат гуруҳининг кислороди орқали координацияланади. Со (II), Ni (II), Cu (II) ва Zn комплексларининг таркибини, шунингдек, янтар кислотанинг икки марта депротонлашган тетрадентат ҳолатда координацияланишини ҳисобга олган ҳолда металлга лигандларнинг бидентат координацияси ҳам мавжудлигини тахмин қилиш мумкин.


Юқори эҳтимоллик билан октаэдрик комплексларнинг полимер тузилишида лигандларнинг бундай координацияланиши куйидагича содир бўлади:



Комплексларнинг бундай тузилиши уларнинг ИК спектрларида 464-410 см⁻¹ соҳада $\nu(\text{V}=\text{O})$ га хос ютилиш бандларининг мавжудлиги, шунингдек, бирикмаларнинг дериватографик таҳлили натижаларига кўра, улардаги сув битта эндоэффактда ажралиши ва ташқи сферада жойлашганлиги билан тасдиқланади.

VO(ЯНК-2Н)(ПТТ) комплексининг ИК спектри ванадийнинг олти координацион ҳолатига мос келадиган 964 см⁻¹ соҳада интенсив $\nu(\text{V}=\text{O})$ ютилиш банди билан тавсифланади. Янтар кислотанинг тетрадентат функцияси ҳамда пантотен кислотадаги карбоксил гуруҳининг кислород атоми сабабли координацион кўпбурчак тетрагонал бипирамида ҳосил қилади.

Юқоридагиларга асосланиб, ванадил (II) бирикмаси учун полимер тузилишини ҳам истисно қилмаган ҳолда, куйидаги димер структурани ёзиш мумкин:




Ванадил (II) координацион бирикмасининг бундай тузилиши унинг спектрида 497 см^{-1} да $\nu(\text{V-O})$ бандининг мавжудлиги билан ҳам тасдиқланади.

$\text{M}(\text{ЯНК-2Н})\text{L}\cdot n\text{H}_2\text{O}$, $\text{M}(\text{ГЛК-2Н})\text{L}\cdot n\text{H}_2\text{O}$ (бу ерда M-Co(II) , Ni(II) , Cu(II) , Zn(II) , VO(II)); L-ПТТ ёки ГПТТ ; $n=0-8$) таркибли бирикмаларнинг ўхшаш тузилишини ИК-спектроскопия ва ДҚЭС таҳлил маълумотлари тасдиқлайди.

$\text{Cu}(\text{асас})_2\text{ХК}\cdot 2\text{H}_2\text{O}$, $\text{Cu}(\text{асас})_2(\text{ХК})_2$, $\text{VO}(\text{асас})_2\text{ХК}\cdot \text{H}_2\text{O}$ аралаш лигандли комплекслари спектрларида $\text{Cu}(\text{асас})_2$ ва $\text{VO}(\text{асас})_2$ ларга хос ютилиш бандлари деярли ўзгармаган (3-жадвал). Бинобарин, аралашлигандли комплексларда лиганднинг координацияси ўзгаришсиз қолади. Аралаш лигандли комплексларда хинальдин кислотанинг цвиттер-ион таутомер шаклига хос 1619 см^{-1} соҳада $\nu_{\text{ас}}(\text{COO})$, 1392 см^{-1} соҳада $\nu_{\text{с}}(\text{COO})$ ва 1534 см^{-1} соҳада $\delta(\text{N}^+\text{H})$ ютилиш бандлари йўқ. Бу лиганднинг хинолин азот гетероатоми орқали координацияланганининг натижасидир.

Буни халқанинг валент тебранишлари паст частотали $7-17\text{ см}^{-1}$ соҳага силжиши ҳам кўрсатади. $\text{Cu}(\text{асас})_2\text{ХК}\cdot 2\text{H}_2\text{O}$ ва $\text{Cu}(\text{асас})_2(\text{ХК})_2$ комплекслари спектрларида 454 ҳамда 485 см^{-1} да $\nu(\text{Cu-O})$ га хос, 525 ҳамда 567 см^{-1} да $\nu(\text{Cu-N})$ га хос ютилиш бандлари кузатилади.


Мис (II) комплекс бирикмалари қуйидагича тузилишга эга бўлиши мумкин:



$\text{Cu}(\text{асас})_2\text{СК}\cdot 3\text{H}_2\text{O}$ ва $\text{Cu}(\text{асас})_2(\text{СК})_2$ аралаш лигандли комплекслар спектрларида $\text{Cu}(\text{асас})_2$ нинг хатарли ютилиш бандлари сақланиб қолган (5-жалвал). Шунинг учун бирикмаларда лиганднинг транс-октаэдрал координацияси сақланиб қолади. Спектрларда карбоксил ионининг ютилиш бандлари кузатилмайди, $\nu(\text{C=O})$ ҳамда $\nu(\text{C-O})$ Ар-О лар эса деярли ўзгармаган. Бу комплексларда карбонил гуруҳининг сақланиб қолишидан далолат беради. Фенол гидроксилнинг $\nu(\text{C-O})$ частотаси ўзгармаган. Бу унинг металл билан координацияда иштирок этмаслигини кўрсатади.

$\text{Cu}(\text{асас})_2\text{СК}\cdot 3\text{H}_2\text{O}$ бирикманинг дериватографик таҳлил натижалари ундаги учта сув молекуласидан бирининг ички сферада жойлашишини кўрсатди.

Юқоридагиларга асосланиб шунингдек, $\text{Cu}(\text{асас})_2\text{СК}\cdot 3\text{H}_2\text{O}$ ва $\text{Cu}(\text{асас})_2(\text{СК})_2$ бирикмаларининг таркибини ҳисобга олган ҳолда уларнинг тузилишини қуйидагича ифодалаш мумкин:



3-жадвал.

ХК, СК, мис (II) ва ванадил (II) ацетилацетонатлари ҳамда улар ҳосил қилган аралашлигандли комплекслари ИК спектрларидаги асосий частоталари (cm^{-1})

Частоталар	ХК	$\text{Cu}(\text{acac})_2$	$\text{Cu}(\text{acac})_2 \cdot \text{XK} \cdot 2\text{H}_2\text{O}$	$\text{Cu}(\text{acac})_2(\text{XK})_2$	$\text{VO}(\text{acac})_2$	$\text{VO}(\text{acac})_2 \cdot \text{XK} \cdot 2\text{H}_2\text{O}$	СК	$\text{Cu}(\text{acac})_2 \cdot \text{CK} \cdot 3\text{H}_2\text{O}$	$\text{Cu}(\text{acac})_2(\text{CK})_2$
$\nu(\text{OH}), \nu(\text{CH})$	2400-3200	-	2600-3350	2600-3350	-	2600-3500	2500-3200	2500-3200	2500-3200
$\nu(\text{C}=\text{O})$	1694, 1647	-	1636	1637	-	1645	1656	1657	1657
$\nu_{\text{as}}(\text{COO})$	1619	-	-	-	-	-	-	-	-
$\nu(\text{C} \equiv \text{C})$	-	1580	1580	1597	1580	1593	-	1578	1578
$\nu_{\text{кольца}}$	1585 1560	-	1578 1552	1568	-	1567	-	-	-
$\nu(\text{C} \equiv \text{O})$	-	1554 1534	1530	1514	1555 1530	1515	-	1552 1530	1552 1530
$\nu(\text{C} \equiv \text{O}) + \delta(\text{C}-\text{H})$	-	1460	1462	1462	1460	1462	-	1464	1464
$\delta^+(\text{N}-\text{H})$	1534	-	-	-	-	-	-	-	-
$\delta_{\text{as}}(\text{CH}_3)$	-	1415	1375	1375	1418	1370	-	1413	1413
$\nu_{\text{s}}(\text{COO})$	1392	-	-	-	-	-	-	-	-
$\delta_{\text{s}}(\text{CH}_3)$	-	1356	1346	1346	1373	перек	-	1354	1355
$\delta(\text{OH})$	1315	-	1347	1346	-	1341	1295	1275	1275
$\nu(\text{C}-\text{O})$ Ar-O	-	-	-	-	-	-	1248	1248	1248
$\nu(\text{C}-\text{O})$	1152	-	1188	1187	-	1157	1156	1189	1189
$\nu(\text{V}=\text{O})$	-	-	-	-	997	978	-	-	-
$\nu(\text{Cu}-\text{O})$	-	456	454	485	-	-	-	454	454
$\nu(\text{V}-\text{O})$	-	-	-	-	483	428	-	-	-
$\nu(\text{Cu}-\text{N})$	-	-	525	567	-	498	-	-	-
$\nu(\text{V}-\text{N})$	-	-	-	-	-	498	-	-	-

Диссертациянинг «Синтез қилинган комплекс бирикмаларнинг тиббий-биологик хусусиятлари» деб номланган тўртинчи бобида олинган аралашлигандли комплекс бирикмаларнинг тиббий-биологик таҳлил натижалари келтирилган.

Бунда антигипоксик ва шамоллашга қарши фаолликка эга бўлган янги, кам захарли «Цинкант» препарати аниқланди. Экспериментал тадқиқот натижаларига кўра, «Цинкант» нинг антигипоксик хоссаси «ЛИРА» (ПАО «Фармак», Украина) дори воситасидан 40 % фаолроқ, шамоллашга қарши хусусияти эса «ИНДОМЕТАЦИН СОФАРМА» (Sopharma AD, Болгария) дан қолишмаслиги исботланди.

ХУЛОСАЛАР

1. Илк бор қаттиқ ҳолатда ванадил (II) ва қатор 3d-металларининг янтар, глутар, 3- ва 4-пиринмонокарбон, пантотен, гомопантотен кислоталар, шунингдек, VO (II) ҳамда Cu (II) ацетилацетонатларининг хинальдин ва салицил кислоталари билан янги 43 та аралашлигандли координацион бирикмаларининг синтез шароитлари ишлаб чиқилди. Комплексларнинг термик ва баъзи физик-кимёвий хоссалари аниқланди.

2. VO (II), Cu (II), Co (II), Ni (II), Zn (II) комплексларида янтар ҳамда глутар кислоталарнинг 3- ва 4-пиридинмонокарбон, пантотен, гомопантотен кислоталари билан, шунингдек, VO (II) ҳамда Cu (II) ацетилацетонатларининг хинальдин ва салицил кислоталари билан координацион сферада мутаносиблиги тажрибалар орқали изоҳланди.

3. ИҚ-спектроскопия, дериватографик таҳлил, электрон диффуз қайтарилиш спектрлари, шунингдек квант-кимёвий ҳисоблаш усуллари натижасида, этилен занжирининг $-CH_2$ гуруҳга узайиши янтар кислотанинг тетрадентат координациясини ўзгартирмаслиги, унинг координацион хусусиятларига таъсир кўрсатмаслиги исботланди.

4. 3- ва 4-пиридинмонокарбон, пантотен, гомопантотен кислоталарни комплекс ҳосил қилувчи металлга координацияланиши аввал маълум бўлмаган цвиттер-ион ҳолда эканлиги билан изоҳланди.

5. VO(ЯНК-2Н)ПМК ва VO(ГЛК-2Н)ПМК·nH₂O таркибли ванадил (II) нинг аралашлигандли комплекслари димер ҳолатда квадрат-бипирамидал тузилишга эга эканлиги исботланди. Изомер пиридинмонокарбон кислоталар комплекс бирикмаларда икки хил кўринишда: β-изомер монодентат цвиттер-ион ҳолда карбоксилато гуруҳ кислороди орқали, γ-изомер эса молекуляр ҳолда пиридиндаги азот атоми орқали координацияланиши аниқланди.

6. Аралашлигандли ванадил (II) ва мис (II) ларнинг координацион бирикмаларида хинальдин ҳамда салицил кислота молекулалари аксиаль ўринни эгаллаб, биринчиси азот атоми, иккинчиси эса карбониль гуруҳ кислороди орқали координацияланиши аниқланди.

7. Тиббий-биологик таҳлил натижаларига кўра антигипоксик ва шамоллашга қарши фаолликка эга бўлган, кам захарли (LD₅₀=939,1(584,7÷1293,4) мг/кг) «Цинкант» комплекси аниқланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.К.01.03 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ
УЗБЕКИСТАНА ИМЕНИ МИРЗО УЛУГБЕКА**

ТАШКЕНТСКИЙ ФАРМАЦЕВТИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

ГАЗИЕВА АЗИЗА СУННАТОВНА

**СМЕШАННОЛИГАНДНЫЕ КОМПЛЕКСЫ РЯДА 3d-МЕТАЛЛОВ С
ПОЛИФУНКЦИОНАЛЬНЫМИ КАРБОНОВЫМИ КИСЛОТАМИ**

02.00.01 – неорганическая химия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии по химическим наукам (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2020.2.PhD/K297.

Диссертация выполнена в Ташкентском фармацевтическом институте
Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ik-kimyo.niu.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Фатхуллаева Муяссар
кандидат химических наук, доцент

Официальные оппоненты:

Умаров Бако Бафоевич
доктор химических наук, профессор

Ибодуллаева Мавжуда Ибодуллоевна
кандидат химических наук, доцент

Ведущая организация:

Институт общей и неорганической химии

Защита диссертации состоится «27» 12 2021 г. в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.K.01.03 при Национальном Университете Узбекистана (адрес: 100174, г. Ташкент, ул. Университетская, 4. Тел.: (+99871) 246-07-88; (+99871) 227-12-24; факс: (+99871) 246-53-21; e-mail: chem0102@mail.ru.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального Университета Узбекистана (регистрационный номер 159) по адресу: 100174, г. Ташкент, ул. Университетская, 4. Тел.: (+99871) 246-07-88; (+99871) 227-12-24; факс: (+99871) 246-53-21.

Автореферат диссертации разослан «16» 12 / 2021 года
(реестр протокола рассылки № 23 от «16» 12 2021 г.).



З.А.Сманова
Председатель Научного совета по
присуждению ученых степеней, д.х.н.,
профессор

Д.А. Гафурова
ученый секретарь Научного
совета по присуждению ученых
степеней, д.х.н., доцент

Ш.А. Кадилова
Председателя научного семинара
при научном совете по присуждению
ученых степеней, д.х.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире синтез комплексных соединений полифункциональных лигандов с 3d-металлами и определение их свойств имеют теоретическое и практическое значение. Важным является использование в медицине таких металлокомплексных соединений, как биологически активные вещества, различные лекарственные препараты, антиоксиданты, стимуляторы в сельском хозяйстве.

В мире проводится много исследований лекарств на основе биологически активных лигандов 3d-металлов. Разработка синтеза лекарственных средств на основе 3d-металлов, используемых для профилактики и лечения многих заболеваний, определения их состава, строения, физико-химических и биологических свойств является важным значением.

В республике принимаются комплексные меры по совершенствованию системы обеспечения населения лекарственными средствами, и достигаются определенные результаты в создании благоприятных условий для развития местной фармацевтической промышленности. В связи с этим, является важным обеспечение населения и медицинских учреждений дешевыми качественными лекарственными препаратами, полученными на основе координационных соединений 3d-металлов с биоактивными лигандами. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определены важные задачи по «развитию фармацевтической отрасли, обеспечению населения и медицинских учреждений качественными, безопасными и доступными лекарствами»¹. В связи с этим важно создавать новые качественные и недорогие препараты и рекомендовать их для использования в медицине.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в указе и постановлении Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы», УП-5229 от 7 ноября 2017 года «О мерах по кардинальному совершенствованию системы управления фармацевтической отраслью», УП-5707 от 10 апреля 2019 года «О дальнейших мерах по ускоренному развитию фармацевтической отрасли республики в 2019 — 2021 годах», ПП-4310 от 6 мая 2019 года «О мерах по дальнейшему развитию системы медицинского и фармацевтического образования и науки», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования с приоритетным направлениям развития науки и технологий в Республике. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики VI. «Медицина и фармакология» и VII. «Химия, химическая технология и нанотехнология».

¹ Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № ПФ-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

Степень изученности проблемы. В мире исследования по синтезу, установлению состава и строения координационных соединений ряда 3d-металлов с биологически активными полифункциональными карбоновыми кислотами проводились следующими исследователями: Спицин К.А., Цивадзе Г.В., Цинцадзе Г.В., Скопенко В.В., Войтюк А.А., Возняковская Ю.М., Кукушкин Ю.Н., Гарновский А.Д., T. Uno, L. Steward, Hamilton W.C., Stone M.E., Горенбейн Е.В., Gentile P.S., Наумов Д.Й., Быков Э.Е., M. Nardelli, Порай-Кошиц М.А., Стручков Ю.Т., Cozlevcar B. и другие.

Синтезировать ряд биологически активных комплексных соединений, используемых в медицине, сельском хозяйстве и других областях нашей страны внесли большой вклад такие ученые и их ученики, как Азизов М.А., Харитонов Ю.А., Парпиев Н.А., Шарипов Х.Т., Шабилалов А.А., Юнусходжаев А.Н., Хакимов Х.Х., Ходжаев О.Ф., Тўраев Х.Х., Набиев М.Н., Ибрагимов Б.Т., Собиров В.Х., Дусматов А.Ф., Исаков Х., Умаров Б.Б., Кадирова Ш.А., Даминова Ш.Ш., Кадирова З.Ч.

Анализ научных источников показал, что имеется достаточно информации о комплексах ряда 3d-металлов с витаминами группы В и их производными. Однако, не изучена смешаннолигандные комплексные соединения 3d-металлов с янтарной, глутаровой, пантотеновой, гомопантотеновой, 3- и 4-пиридинмонокарбоновой, салициловой и хинальдиновой кислотами. Поэтому, изучение синтеза, строение, состава, физико-химических и биологических свойств комплексных соединений на основе этих лигандов представляет особый научный интерес.

Связь темы диссертации с научно-исследовательскими работами, высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с планом научно-исследовательских работ Ташкентского фармацевтического института в рамках фундаментальных проекта на тему: № ИЗ-2014-0915121104 «Разработка и стандартизация лекарственной формы Пирацина, применяемого в качестве гипополипидемического средства в гериатрической практике» (2014-2016 гг.).

Целью исследования является, синтез и изучение биологической активности координационных соединений ряда 3d-металлов с полифункциональными карбоновыми кислотами.

Задачи исследования:

синтез смешаннолигандных комплексов ряда 3d-металлов с витаминами В₅ (пантотеновой кислотой), В₃ (3-пиридинмонокарбоновой кислотой), их изомерами и производными, янтарной, глутаровой, салициловой и хинальдиновой кислотами;

установление индивидуальности и состава соединений, изучение их физико-химических свойств;

выяснение конкурентной координации дикарбоновых, 3- и 4-пиридинмонокарбоновой, пантотеновой, гомопантотеновой, салициловой и хинальдиновой кислот;

определение методами электронной и ИК-спектроскопии, а также термического анализа способы координации полифункциональных лигандов;

оценка и анализ геометрии электронного строения, энергетических параметров и реакционных способностей смешаннолигандных координационных соединений ряда 3d-металлов с полифункциональными кислотами на основе метода квантово-химической оптимизации;

выявление из числа полученных комплексов наиболее эффективных соединений с целью рекомендации их для применения в медицине.

Объектами исследования послужили соли Co (II), Ni (II), Cu (II), Zn (II), VO (II) и витамины B₅, B₃, их производные и изомеры (гомопантотеновая, 4-пиридинмонокарбоновая кислота), а также янтарная, глутаровая, салициловая и хинальдиновая кислоты.

Предметами исследования были синтезированные 43 ранее неизвестные смешаннолигандные координационные соединения 3d-металлов с изучаемыми полифункциональными лигандами.

Методы исследования. Элементный, рентгенофазовый, дифференциально-термический, комплексометрический и гравиметрический анализы, сканирующая электронная микроскопия, ИК-спектроскопия, электронные спектры диффузного отражения и метод квантово-химического вычисления.

Научная новизна исследования:

впервые синтезированы 43 новые смешаннолигандные координационные соединения Co (II), Ni (II), Cu (II), Zn (II) и VO (II) с витаминами B₃, B₅, их изомерами, производными и янтарной, глутаровой, салициловой, хинальдиновой кислотами;

определена координация 3- и 4-пиридинмонокарбоновой, пантотеновой, гомопантотеновой кислот ранее неизвестным виде цвиттер-иона с металлом методами ИК, квантово-химических расчетов, электронной спектроскопии и термического анализа;

впервые установлено, что изомерные пиридинмонокарбоновые кислоты в комплексных соединениях координируются с металлом двумя способами: β-изомер через кислород карбоксилатной группы монодентатно в форме цвиттер-иона и γ-изомер – атомом азота пиридинового кольца.

впервые выявлено комплексное соединение Zn (II) с янтарной и гомопантотеновой кислотами, входящий в класс малотоксичных соединений, которое может быть использовано в медицинской практике как средство от простуды и гипоксии.

Практические результаты исследования заключаются в следующем:

